

1. Эски ўзбек тилида харакат номи формалари.
2. Равишдош.
3. Сифатдош.

Феълнинг нутқда қўлланишга хосланган шакллари унинг функционал (амалий) формаларидир. Феълнинг айрим формалари келишк, эгалик аффиксларини ҳам кабул килади, гапда от ва бошка сўз туркумлари функциясини бажариб, эга, аникловчи, тўлдирувчи ёки хол вазифасида ҳам кела олади. Шунга кўра, бундай формалар феълнинг грамматик функционал формалари хисобланади. Феълнинг грамматик функционал формаларини соф феъл, харакат номлари, сифатдош ва равишдош формалари ташкил этади.

Феълнинг грамматик функционал формаларида, бир томондан, феълга хос белгилар мавжуд бўлса, иккинчи томондан, морфологик хусусиятлари ва синтактик функциялари бўйича бу формалар бошка сўз туркумларига ҳам якин туради. Бу жихатдан соф феъллар факат феълларга, харакат номлари отга, сифатдош формалари сифатга, равишдош формалари равишга якин туради.

Харакат номи формалари. Улар иш-харакат ва холатнинг атамасидир. Эски ўзбек тилида харакат номининг куйидаги формалари амалда бўлган:

-мак/-мўк аффиксли форма. Бу форма харакат номининг асосий кўрсаткичи сифатида фаол истеъмолда бўлган.

Жўналиш келишигининг –а,-ў аффикси кўшилганда, -мак/-мўк аффиксининг охиридаги [к], [к] ундошлари икки унли ўртасида жаранглилашиб, [г], {г} ундошларига ўтади:

Качмага ймз эвмрди (КР), бакмага имкан йок (МН).

Эгалик аффикси кўшилганда ҳам –мак/-мўк аффикси таркибидаги жарангсиз [к], [к] ундошлари жарангли (г), [г] ундошларига ўтиши мумкин: Бу йазукдан кутулмагым мухал эсў,... (СС). Бир нафас сабр этмўги йок (СС).

-мак/-мўк аффиксли харакат номининг бўлишсизлик маъноси икки хил йўл билан ифодаланган:

а) -ма/-мў аффиксли бўлишсиз формадаги феълга -мак/-мўк кўшилиши билан:

Тилўнмўмўкў давлатындан махрум дурурлар (СС).

б) сифатдошнинг -мас/-мўс аффиксли бўлишсиз формасига -лык[-лик аффикси кўшилиши билан (-мас+лык//маз + лык): Мэним сўзим эшитмўзлик учун (ТФ). Оглан билмўсликиндин кылуру (КР).

Харакат номининг -мак/-мўк аффиксли формаси от туркумидаги сўзлар каби эгалик ва кўплик кўшимчаларини кабул килади, келишклар билан турланади, кўмакчилар билан кўлланади:

1. -мак/-мўк аффиксли харакат номи эгалик аффикслари билан кўлланганда, феъл негизидан англашилган иш-харакатнинг кайси шахсга карашли эканлиги кўрсатилади:

Мэним куртул-

магым анда туруру (ТФ). Сэн ўсрўк кэлмўки| мунда хата ул (ХШ).

2. -мак/-мўк аффиксли харакат номига кўшилган -лар/-лўр аффикси одатдаги кўплик

маъносини эмас, балки феъл ўзагидан англашилган иш-харакатнинг субъект билан мослашуви учун хизмат килади: Йусуфны Ўлтўрмўклўри иккидин хали эрмўс эрди (КР). Нэтўк ким йигламакларыны эшиттим,...(НФ).

3. От ўрнида кўлланган бош келишикдаги -мак/-мўк аффиксли ҳаракат номи асосан эга, баъзан кесим ёки аникловчи вазифасида келади.

Эгаси –мак/-мўк аффиксли ҳаракат номи билан ифодаланган гапларнинг кесими асосан от ёки от туркумидаги сўзлар билан ифодаланади: Ибраҳимга конук тилўмўк фариза эрди (КР).Ғийбат қилмак улук йазуқлардын турур (НФ).

-мак/-мэк аффиксли ҳаракат номи келишик аффикслари билан кўлланганда ҳар бир келишик формасининг характериға мувофиқ равишда турли синтактик вазифаларни бажаради: Азынлар айбыны кўрмўкни койгыл (ХШ). Илм ўгрўнмўккў кэлдим (КР). Андын йаранлары каттық сўзлўмўкдин йыгдылар (ТФ).

-ш(-ыш/-иш, -уш/-иш) аффиксли форма эски ўзбек тилида кам истеъмолда бўлиб, айрим ёдгорликларда учрайди: Йўгўршдў забунракдур (Бобурнома). ...буларны; алышы ва бериши (Бобурнома).

-в/-ув/-в аффикли форма кам кўлланган: Ондын икки киши болды саклав (ШН).

Сифатдош формалари. Туркий тилларда сифатдош предметнинг белгиси бўлган иш-харакат ва ҳолатни ҳамда бевосита иш-харакат ва ҳолатни англатади. Сифатдош формаларида белги-ҳаракат маъноси билан бирга, грамматик замон маъноси ҳам мавжуд бўлади. Бу ҳол сифатдош формаларининг ҳаракат номи формаларидан фарқловчи асосий белгисини ташкил этади. Сифатдош формаларини замон нуктаи назардан қуйидаги икки асосий гурпуға ажратиш мумкин: 1) ўтган замонни ифодаловчи сифатдош формалари. Бу гурпуға -мыш/-миш,

-дук/-дук// -тук/-тук, -ган/-гўн// -кан/-кўн, -ан/-ўн аффикслари билан ҳосил бўлувчи формалар қиради; 2) ҳозирги - келаси замонни ифодаловчи сифатдош формалари. Бу гурпуғани -р(-ар/-ўр, -ур/-иур, -ыр/-иур, -йур/-ийур), -маз/-мўз// -мас/-мўс, -гу/-гўку/-қў, -гучи/-гўчи// -қучи// -қўчи, -дачы/-дўчи// -тачы/-тўчи, -глы/-гли, -асы/-ўси ва бошқа аффикслар билан ҳосил бўлувчи формалар ташкил этади.

Ўтган замон сифатдошлари. -ган/-гўн (-кан/-кўн) аффиксли сифатдош эски ўзбек тилининг барча даврлари учун характерли бўлган ва фаол кўлланган.

Кўлланиши, маъно ва функциялари:

1. Атрибутив позицияда кўлланиб, аникловчини ифодалайди. Аникловчи вазифасида келган –ган/-гўн аффиксли сифатдош атрибутив ўрам ташкил этади ва улар гап трансформациясида бўлиши мумкин:

а) эга+кесимдан иборат ўрамларда –ган/-гўн аффиксли сифатдош предикатив бирикмени ташкил этади: Чэрик тушкўн йэргў кэлдилўр (КР). Жумламыз рэзимиз бу икки улугымыз сўзлўгўн сўзгў (НФ).

б) сўз бирикмаси қолипида бўлади: Раст сўзлўгўн хатунлар бурч қилсалар,... (ТФ). Вафа қилган кишилўргў вафа қыл (МН);

2. -ган/-гўн аффиксли сифатдош отлашади ва от бажарадиган синтактик функцияларда кўлланади: Бу йаратылган сизлўрдў болса,... (КР). Мэни йаманлаган халак болды (НФ). Сэни кўргўн ўзиндин йат болур (МН).

Отлашган -ган/-гўн аффиксли сифатдош отға хос грамматик белгиларға эга бўлади ва шунга мувофиқ ҳар хил синтактик функцияларни бажаради:

а) -лар/-лўр кўплик аффиксини олади: Аны; бирлў болганлар... бутға табынурларды (ТФ). Камуг тугганлар ўлди (КР). Йана эрмўн тэглўнлўр зэр болгай (ХШ).

б) эгалик аффиксини олади: Мэн тамām āлым болдум, хэч билмЎгЎним калмады (НФ). Бу сизни| кэлтмргЎни|из бизгЎ йарамас (КР);

в) келишик аффиксларини олади: Ул соргани|ны кэтЎргил (НФ). Йыкылганларга андын дастгирлик йэткЎй (Навоий МК).

3. –ган/-гЎн аффиксли сифатдош учун, со| (со|ра), бирлЎ, кЎби, бэрм каби кўмакчилар билан кўлланади: Сув тарткан учун ижрасын бэрЎйин (КР). Бу бир корганны алган билЎ нэ иш ачылгай(БН).

4. –ган/-гЎн аффиксли сифатдош -тэк кўшмчасини кабул килади: ТилЎб Шавур айытган-тэк нишанын //сорар шахзаданы| турган макāнын (ХШ). Муганний мусикий агаз кылды//атасы торбасында йыглаган-тэк (СС).

-мыш/-миш аффиксли сифатдош эски ўзбек тилининг барча даврларида фаол кўлланган бўлиб, унинг грамматик маъно ва функцияларининг тараккиёт даврлари икки боскичга бўлинади: биринчи боскич XV асрдан олдинги даврларни, иккинчи боскич XV аср ва ундан кейинги даврларни ўз ичига олади.

1. Ўзбек тилининг олдинги даврларида –мыш/-миш аффиксли сифатдош формасининг кадимги грамматик маънолари ва функциялари сақланган, яъни:

а) предметнинг харакат белгисини кўрсатиб, аниқловчи вазифасида келади: Келмиш йолларына йандылар (Таф.). Бу килмыш иш бирлЎ биз залимлардын болур-миз (КР);

б) эгалик аффиксларини кабул килади: Агар бу аймышы| с|з раст эрсЎ,..(Таф.).

в) келишик аффикслари билан кўлланиб, гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ифодалайди: Эшиткил бу газалда ишлЎридин// Мухаммад хожа бэг аймышларыдын (МН). Шамъун булардын качмышда сувсамыш эрди (КР).

2. Ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги тараккиёт даврларида –мыш/-миш аффиксли сифатдошнинг грамматик маънолари ва функциялари чегараланган бўлиб, унинг асосан ўтган замон феъли сифатида кўлланиши давом этган.

Ўтган замон сифатдошини ясовчи –дук/-дук аффикси кадимги ёдгорликлар тилида –тук/-тук кўринишида хам кўлланган. Грамматик маънолари ва функциялари жихатидан –мыш/-миш аффиксли сифатдошга ўхшайди: Макка ачылдук кун болды (Таф.). Йусуфга йыгладукум к|з|мни акарды (КР)

Хозирги - келаси замон сифатдош формалари.

-р аффиксли форма. Бу аффикс -р, -ар/-Ўр, -ур/-ур, -ыр/-ур, -йур/-йур вариантларда кўлланган бўлиб, булардан кайси бирининг ишлатилиши шу аффиксни кабул килувчи феъл негизининг характерига, унинг кандай товуш билан тугаган бўлишига боглик.

Ундош билан тугаган бир бўгинли феълларнинг бир группасига -ар/-Ўр, бошкаларига -ур/-ур вариантлари (кач+ар, кэт+Ўр, бар+ур, бил+ур), ундош билан тугаган икки ва ундан ортик бўгинли феълларга –ур/-ур вариантлари кўшилади (кайтар+ур, эшит+ур, уруш+ур, кэлт+ур, кайтарыл+ур, к|рсЎтил+ур каби). Баъзи манбаларда ундош билан тугаган айрим феълларга –ыр/-ур формасида кўшилиши хам учрайди.

Унли билан тугаган феълларга -р ёки -йур/-йур вариантлари кўшилади (башла+р ёки башла +йур, ишлЎ+р ёки ишлЎ+йур).

Ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий тиллар тараккиётининг кадимги даврларида унли билан тугаган феълларга -йур/-йур вариантлари кўшилиши характерли бўлган. Масалан, Ўрхун-Енисей ва кадимги уйгур тили ёдгорликларида бундай феълларга асосан –йур/-йур вариантлари кўшилган, XI- XII асрларга оид КБ, ХХ ва бошка манбаларда хам кўпинча шу вариантлари кўшилган. Унли билан тугаган феълларга -р ёки -йур/-йур кўшилиши хакида Махмуд Кошгарий хам маълумот берган.

Унинг кўрсатишича, бундай феълларга -р ўрнида –йур/-йир кўшилиши XI асрда аргулар тили учун хос бўлган.

-р аффиксли сифатдошнинг бўлишсиз формаси -маз/-мўз// -мас/-мўс аффикси ёрдамида хосил бўлади. Бу аффикснинг жарангли -маз/-мўз вариантлари ўгуз группасидаги туркий тиллар учун хос бўлиб, кипчок ва карлук группасидаги туркий тилларда асосан жарангсиз -мас[-мўс вариантлари кўлланади. Ўрхун-Енисей ва кадимги уйгур тили ёдгорликларида ҳам факат жарангли маз/-мўз вариантлари кўлланган бўлиб, КБда -маз[-мўз ва -мас/-мўс вариантлари параллел истеъмолда бўлган.

-р аффиксли сифатдошнинг кўлланиши, маъно ва функ-циялари:

а) аникланмиш вазифасида келган сўз -р аффиксли сифатдош ифодалаган иш-харакатнинг субъекти бўлади: Бу акар арыг ким, сә|ў бәрдим,... (ТФ). К|р|ў билмўз киши багрын тили|из (ХШ). К|л|ул бәрмў к|л|ул бәрмўс кишигў (СС);

б) -р аффиксли сифатдош англатган иш-харакатнинг субъекти аникланмишдаги эгалик аффикси оркали ифодаланади: Тугрур агрыгы кирди эрсў, Марйам ках тутды (ТФ). К|ни с|л|ўй|р к|л|л|н бар эрсў, айгыл (КР).

2. -р аффиксли сифатдош от ўрнида кўлланганда отга хос грамматик белгиларга эга бўлади ва шунга мувофик хар хил синтактик функцияларни бажаради:

а) эгалик аффикслари билан кўлланади: Лек мумкин дурур дава кылурум//саъй этиб хажаты| рава кылурум (Навоий СС). Жаханда сэндин |згў йок тилўрим (ХШ);

б) келишик аффикслари билан кўлланади:Сэни| ишкы|да сайрага Харазмий... (МН). Бизни| кэл|римизни эшитиб, качыб бу айтылган уч йуртга бардылар (Ш.тар.).

3. -р аффиксли сифатдош кўмакчилар билан кўлланади: Олтурур учун кабыл йер эрди (БН). «лмўсдин бурун ачыб к|л|л|мни..(Навоий ФШ).

-гу/-гү (-ку/-кү) аффиксли сифатдош. Кўлланиши, маъно ва функциялари:

1. Атрибутив позицияда кўлланиб, аникловчини ифодалайди, Бунда -гу/-гү аффиксли сифатдош атрибутив оборотни ташкил этади ва бундай оборотларда сифатдош формасидаги феълдак англашилган иш-харакатнинг субъекти икки хил йўл билан ифодаланади:

а) аникланмиш вазифасида келган сўз -гу/-гү аффиксли сифатдош ифодалаган иш-харакатнинг субъекти бўлади: Мэним илкимдин кэлмўгү иш билгүрди (ТФ). Тузуб йэттилўр ав а в л а г у йэргў (ХШ);

б)-гу/-гү аффиксли сифатдош англатган иш-харакатнинг субъекти аникланмишдаги эгалик аффикси оркали ифодаланади: С|л|ўй|гү к|л|л|м йок (КР). Сэни| йэгү ашы| сэни Хизр йалавач табару башлагай (ТФ).

2. -гу/-гү аффиксли сифатдош от ўрнида кўлланганда отга хос грамматик белгиларга эга бўлади ва шунга мувофик хар хил синтактик функцияларни бажаради: Кайда баргусыны билмўгўй|лўр (ТФ). На кылгусы билмўс болды (НФ).

-гучы/-гүчи (-кучы/-күчи) аффиксли форма -гу/-гү аффиксли сифатдошга шахс отини ясовчи -чы/-чи аффикси кўшилиши билан хосил бўлади. Шунинг учун ҳам бу формада феъллик хусусияти кучсизланиб, от туркумига якин туради: Куч кылгучы зāлим эрди (ТФ). К|Куйашны| эсиз к|л|ни Кайтаргучы кудрати бар (КР). Ошул таг казгучы Фархадны к|л|рсн (ХШ);

-дачы/-дўчи (-тачы/-тўчи) аффикси билан ясалган сифатдош ҳам кадимги ёдгорликлар тилида фаол кўлланган бўлиб, ўзбек тилида XV асрга қадар кўлланиб келган: Мен сени| т|л|р|т|т|ўчи|, йараттачы| -мен (Таф.). Биз йерни к|к|ни т|л|р|т|т|ўчи т|ў|ригў табынур-миз (Таф.).

-глы/-гли аффиксли сифатдош ҳам эски ўзбек тилининг илк даврларида кенг қўлланган бўлиб, маъно ва функциялари бўйича -дачы/-дэчи аффиксли сифатдошларга ўхшайди: Кимўрсў маъа раҳм кылмаглы йок (КР). Тушиндў кЎрди ким, кэлигли кэлди (НФ).

-адурган/-ўд-ргўн аффиксли сифатдош. Бундай сифатдошлар XV асрдан кейин қўлланган: Мени шайдā кыладурган бу кѣл-лд-р, бу кѣл-л, хār-у расвā кыладурган бу кѣл-лд-р, бу кѣл-л (Лутфий). Кāбулдын к-ч келўд-ргўн жыхатыдын султāнга кошула алмайдурлар (Бобурнома).

Рашишдош формалари. Эски ўзбек тилида куйидаги аффикслар билан рашишдош ҳосил килинган:

-б(-ыб/-иб,-уб/-уб) аффиксли рашишдош. Қўлланиши, маъно ва функциялари куйидагича:

1. Шахсли феълдан англашилган иш-харакатнинг бажарилиш ҳолатини кўрсатиб, рашиш ҳолини ифодалайди. Бунда рашишдош ифодалаган иш-харакат билан шахсли феъл ифодалаган иш-харакат ўртасидаги вақт муносабати куйидагича икки хил бўлади:
а) рашишдош ифодалаган иш-харакат шахсли феъл ифодалаган иш-харакатдан олдин бажарилади. Бундай ҳолларда рашиш-дош асосан ҳаракат маъносини ифодаловчи феъллардан иборат бўлади: Буйурдылар ким, хужрасын бузуб, туфрāгын хāнакāхдын ташқару ташласунлар (Навоий МН). Бухārāдын кавун келт-р-м, бир мажлисда келт-р-м (БН).

б) рашишдош ифодалаган иш-харакат шахсли феъл ифодалаган иш-харакат билан бир вақтда бажарилади. Бунда ҳар иккала иш-харакат ҳам одатда такрорланувчи, давомли бўлади: Чыктылар корғаныга чапкыллашыб (ШН). Қайда кЎрсўм наъл накшыны Јпўр-мен йуз с-р-м (Фуркат).

2. Шахсли феълдан англашилган иш-харакатнинг бажарилиш вақтини кўрсатиб, пайт ҳолини ифодалайди ёки пайт эргаш гап-нинг кесими вазифасида келади: Йахуда бир сЎзни эшитиб уру кобди (КР). Ахшам намазы кылиб эвингў кирди (НФ).

3. Шахсли феълдан англашилган иш-харакатнинг юзага кели-шидаги сабабни кўрсатиб, сабаб ҳолини ифодалайди ёки сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: Андын корқуб башым акарды (КР). Агар айсам башымдын кэчмишин мэн//таныркаб бармагын тишлўгўй-сэн (ХШ).

4. -б аффиксли рашишдош ифодалаган иш-харакат кейинги феълдан англашилган иш-харакатнинг аксини кўрсатади, яъни рашишдош ифодалаган иш-харакат билан кейинги феълдан англашилган иш-харакат бажарилиши нуктаи назардан бири иккинчисига зид бўлади. Шунинг учун бундай ҳолларда кейинги феъл кўпинча бўлишсиз формада қўлланади: Сиз кэлиб, ани келт-р-мўсў-из, сизгў дакы бугдай бэрмўз-мэн (КР). Бу бугдай кЎргўзиб, арпа сатар ул (ХШ).

5. Рашишдошнинг -б аффиксли формаси боғловчилик вазифа-сини ҳам бажаради, яъни гапда уюшиб келган феълларнинг ол-дингиси (ёки олдингилари) шу рашишдош формасида келиб, уюшиқ бўлақлар ўртасидаги боғланишни кўрсатади: Бу йалганчилар мэни тутуб, агзымга кан суртуб, сэў келтурдилўр (КР). Аны тахт узў кэчириб, башына таж койуб, мамлакатни аъа таслим кылыўыз (СС).

-а/-ў(-й) аффикси билан ясалган рашишдош куйидаги хусусиятларга эга:

1. Якка ҳолда қўлланади. Бунда шахсли феъл ифодалаган иш-харакатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради: Бир кун Исмаил авка бармыш эрди, Ибрāхимны кЎрў келди (КР). Й-р-м-дин эмди аъа ашна тилўй келдим (Лутфий).

2. Кўшма феълнинг компоненти бўлиб келади: Йол башында тура калды Мирза (ШН). Иттифак кыла алмай, паришāн барыб...(БН).

3. Кўпинча такрор кўлланади. Бунда ҳам шахсли феъл ифодалаган иш-харакатнинг бажарилиш ҳолати кўрсатилади: **Фырāk** отына йана-йана келдим (Лутфий).

Тамшый-тамшый аны кылай нѣш (Навоий МЛ)

-у/-ү(унлидан кейин –йу/-йү) аффикси билан ясалган равишдош кадимги ёдгорликларда кенг кўлланган бўлиб, эски ўзбек тилида XV асрга қадар анча актив истеъмолда бўлган, маъноси, функцияси бўйича –а/-Ў(-й) аффиксли равишдошга яқин туради.

Мисоллар: **КJз** йашы йыглайу, тушЎйин дер айакына (Саккокий). **А|а** каршу туру билмЎди (КР). **Карындашлары аны авга алу бардылар** (КР). **КишилЎр Муса йалавачка кЎлү** башладылар (ТФ).

Равишдош ясовчи –бан/-бЎн (ундошдан кейин: -ыбан/-ибЎн//убан/-убЎн) аффикси –б (-ыб/-иб//уб/-үб) аффиксига –ан/-Ўн кўшилиши билан хосил бўлган. Эски ўзбек тилида шеърий асарларда ишлатилган бўлиб, функцияси ҳам чегараланган. Бу равишдош шакли шахсли феъл ифодалаган иш-харакатнинг бажарилиш ҳолатини, сабабини кўрсатади. Мисоллар: **Чыкты ул мы|ча киши атланыбан//** иш кылурга барысы катланыбан (ШН). **Кучубан йыгладым атам айагын** (Фуркат). **Ул анда колдыса азиз кадашым//хам биргЎ** келибЎн болуб йолдашым (ХШ).

-галы/-гЎли//калы/-кЎли аффикси билан ясалган равишдош ҳам туркий тилларда кадимдан кенг кўлланиб келган бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам актив истеъмолда бўлган. Хозирги ўзбек тилида бу аффикс –гани(-кани/-кани) кўринишида ишлатилади.

Бу равишдош шахсли феъл ифодалаган иш-харакатнинг бажарилишидаги мақсадни билдиради. Мисоллар: **Ул ханакахга ойнагалы кирдилЎр** (Нав. МН). **Малик анларны JлдиргЎли касд кылды** (Таф.). **Йусуфны кJргЎли зинданга келүр эрдилЎр** (КР).

-гач/-гЎч/-кач/-кЎч билан ясалган равишдош кадимги ёднома­ларда учрамайди. Эски ўзбек тилида, асосан, XVасрлардан бошлаб кузатилади.

Бу равишдош пайт маъносини билдиради, яъни бу равишдош ифодалаган иш-харакат тугаши билан шахсли феъл ифодалаган иш-харакат бошланади. Мисоллар: **Йана шам олгач, олдылар бары маст** (Нав. СС). **Ачылгач келиб эртЎси хужрасы//кылур жан-у жанжал хар эртЎси** (Мук.).

-гунча/-гүнчЎ//кунча/-күнчЎ аффикси билан ясалган равишдош эски ўзбек тилида анча кенг истеъмолда бўлиб, кадимги ёдгорликларда кам кўлланган.

Бу равишдош ҳам пайт маъносини билдиради, яъни равишдош ифодалаган иш-харакат бошлангунга қадар шахсли феъл ифодалаган иш-харакат юзага чиккан бўлади ёки давом этган бўлади. Мисоллар: **Хан йеткүнчЎ аны куладылар** (ШН). **Лутфий мискиндин JлгүнчЎ дуа болсун се|Ў** (Лутф.).

Савол ва топшириқлар.

1. Эски ўзбек тилида ҳаракат номи қандай кўшимчалар билан хосил қилинган?
2. Сифатдош шакли хосил қилувчи кўшимчаларни сананг.
3. Равишдошнинг хозирги ўзбек тилида кўлланмайдиган қандай шакллари мавжуд.

Таянч тушунчалар:

Феълнинг функционал формалари – феълнинг нутқда кўлланиш шакли.

Ҳаракат номи – иш-харакатнинг атамаси бўлиб, отга хос сўз ўзгариш хусусиятига эга бўлган ва гапда от бажарган вазифаларни бажаришга мос бўлган феъл шакли.

Сифатдош – предметнинг белгиси бўлган ҳаракатни, баъзан иш-ҳаракатни тўғридан-тўғри англатадиган феъл шакли.

Рашишдош – ҳаракатни иккинчи бир иш-ҳаракат белгиси сифатида англатадиган, гапда хол ва эргаш гап кесими бўлиб келишга мослашган феъл шакли.

Соф феъл – буйрук-истак, шарт ва баъзан аниқлик майллари ҳамда уларнинг замонлари маъноларини ифодалаб, ҳар доим тусланиш тизими элементи (унсури) сифатида йўлланадиган, гапда фақат кесим вазифасида келишига мос феъл шакли.